

Автомобиль йўллари Давлат қўмитаси раиси ва раиснинг биринчи ўринбосари тайинланди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 18 мартдаги ПФ-4991-сонли Фармони билан Абдурахмон Абдувалиев Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раиси этиб тайинланди.

Абдурахмон Абдулҳаевич Абдувалиев айна пайтга қадар Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси ("Ўзавтойўл" ДАК) бошқаруви раиси сифатида [фаолият кўрсатиб](#) келган эди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги [Фармони](#) билан "Ўзавтойўл" ДАК фаолияти тугатилиб, унинг негизида Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланган яна бир ҳужжат, яъни 2017 йил 18 мартдаги ПҚ-2846-сонли қарорига биноан Шухрат Назаров Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Шухрат Бахтиёрович Назаров айна пайтга қадар "Ўзавтойўл" ДАК бошқаруви раиси ўринбосари сифатида [фаолият кўрсатиб](#) келган.

Президентнинг 2014 йил 14 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги [қарори](#) билан тасдиқланган қўмита ташкилий тузилмасига асосан, янги ташкил этилган қўмита раисининг биринчи ўринбосари - молия-иқтисодиёт, иқтисодий таҳлил ва истиқболдаги ривожланиш, саноатни ривожлантириш, халқаро алоқалар ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар масалаларига раҳбарлик қилади.

["Ўзавтойўл" матбуот хизмати](#)